



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYATI
O'ZBEKISTON TUMANI HOKIMINING

Q A R O R I

“ 3 ” февраль 2021 y

Yaypan shahri 106 sonli

Ўзбекистон тумани Яйпан шаҳар А.Жомий кўчасида яшовчи фуқаро Абдуллаев Бахтиёржонга Ғаниобод ММТП ҳудудидаги туман захира ер майдонидан боғдорчилик ихтисослашувида ер майдони ажратиб бериш тўғрисида

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги 14-сонли ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашининг қарорларига асосан “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 25-моддаларига мувофиқ

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Ўзбекистон тумани халқ депутатлари кенгаши сессисининг 30.01.2021 йилдаги № 113/18-6-сонли қарори асос ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Фуқаро Абдуллаев Бахтиёржонга “Ғаниобод” ММТП ҳудудида туман захирасига қарашли бўлган 43-44-контурларидаги жами 5.0 га боғзорлардан иборат ер майдонлари боғдорчилик ихтисослашувида фойдаланиш учун фуқаро Абдуллаев Бахтиёржонга 49 йил муддатга ижарага фойдаланиш учун ажратиб берилсин ҳамда ер участкасини узоқ муддатга ижарага олиш шартномаси расмийлаштириш вазифаси Кадастр агентлигининг Ўзбекистон туман бўлими бошлиғи А.Ражабовга юклатилсин.

3. Туман Давлат солиқ инспекцияси Ж.Кўчқоров, туман Статистика бўлими О.Абдуллаев, Давлат хизматлари маркази директори М.Жўраевларга ушбу қарордан келиб чиққан ҳолда янги ташкил этилган фермер хўжалигини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

5. Бандлик, молия туман бўлимлари ҳамда туман фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши билан биргаликда янги ташкил этилган фермер хўжалигида қишлоқ аҳолисини кафолатли иш ўринлари билан таъминлаш чораларини кўрсин.

4. Кадастр агентлигининг Фарғона вилоят бошқармаси Ўзбекистон туман бўлими (А.Ражабов)га, туман Статистика бўлими раҳбари (О.Абдуллаев)га, туман Давлат Солиқ инспекцияси раҳбари (Ж.Кўчқоров) га, Давлат хизматлари маркази раҳбари (М.Жўраев) ларга:

-ушбу қарордан келиб чиққан ҳолда давлат реестирларига амалдаги тартиблар асосида тегишли ўзгартиришлар киритиш вазифаси топширилсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишига назорат қилиб бориш қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича туман ҳокими ўринбосари С.Қурбонов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Қ.Джураев